

# CHORVACHILIK VA NASLCHILIK ISHI

ISSN-2181-9459

Ilmiy-amaliy jurnal

№02 2020



## Chorvador.uz

ЭНГ АЗИЗ ЧОРВАДОРЛАРГА...

*Корхонамиз жамоаси Сизни ойлар султони  
РАМАЗОН ойи билан муборак этади!*



- 10 бошдан 50 000 бошгача технологик қарорлар
- Чорвачилик комплексларини лойиҳалаштириш
- Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари
- Сут соғиш заллари ва ускуналари
- Сутни совутиш, сақлаш ва ташиш ускуналари
- Туёқ ва елин учун дезинфектантлар
- Ускуналарни ювиш воситалари
- Молхона ускуналари ва анжомлари
- Резина матраслар
- Иситгичли сув идишлари
- Ветеринария хизматлари
- УТТ аппарати ва диагностика хизматлари
- Мастит касаллигини эрта аниқлаш қурилмаси
- Ветеринария дорихонаси
- Европадан насли йирик ва майда шохли ҳайвонларини келтириш хизматларини таклиф этади.

Мурожаат учун:

Тошкент ш. Аҳмад Дониш кўчаси 22.

Тел. 71 226 65 96; +998 94 647 10 08;

+998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.

E-mail: info@chorvador.uz

www.chorvador.uz



Chorvador.uz

[t.me/chorvador\\_uz](https://t.me/chorvador_uz)

[facebook.com/chorvador/](https://facebook.com/chorvador/)

[instagram.com/chorvador.uz](https://instagram.com/chorvador.uz)

## Тахрир хайъати раиси:

А.Абдуллаев – “Ўзбекчорванасл” агентлиги бош директори

## Тахрир хайъати:

Ш.Джабборов – Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, в.ф.д.

Х.Юнусов – СамВМИ ректори, профессор

А.Даминов – СамВМИ проректори, профессор

Н.Йўлдошев – Республика “Қорақўлчилик” уюшмаси раиси, в.ф.д.

З.Пирназаров – “Ўзбекчорванасл” агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари

Н.Бобокулов – Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти директори, профессор

А.Нурматов – Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти директори, қ.х.ф.н.

О.Маматкулов – “Ўзнасълчилик” давлат корхонаси директори

Я.Абдураззоқов – “Паррандасаноат” уюшмаси раиси

О.Мусаев – “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси раиси

А.Қурбонов – Балиқчилик илмий-тадқиқот институти директори

Ш.Суярқулов – “Ўзбекистон асаларичилари” уюшмаси раиси

Э.Ортиқов – “Ўзбекистон насли кўён етиштирувчилар” ассоциацияси раиси

Ш.Умаров – қ.х.ф.д., профессор, ТошДАУ

Ш.Амиров – қ.х.ф.н., СамВМИ

У.Қурбонов – журнал раҳбари ва ташаббускори

Бош муҳаррир: Абдунаби Аликулов  
Муҳаррир: Ўлжабой Қаршиев  
Дизайнер: Хусан Сафаралиев

## Муассаслар:

Республика “Qorako‘lchilik” уюшмаси,  
«Agrozoovetservis» МЧЖ,  
“Chorvador-Gazetasi” МЧЖ,

“Nasl-xizmat” Республика наслчилик уюшмаси

## Хамкор ташкилот:



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги: а 2018 йил 23 февралда 0920-рақам билан рўйхатга олинган

Нашр индекси: 1308

Манзилимиз: 100022, Тошкент шаҳри, Кушбеги кўчаси, 22-уй. ☎ Тел.: 99 307-01-68.

E-mail: chorvador@list.ru

Босишга рухсат этилди: 28.04.2020. Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>8</sub>.  
Офсет усулида чоп этилди. 6,0 б.т. Адади 600 нуска.

Буюртма № А-016 Баҳоси келишилган нархда.  
№02 (13) 2020.

«Silver star» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Ташкент ш., Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-уй.

## Бугуннинг гапи

А.Аликулов – Талабимиз битта – карантин талабини бузманг .... 3

## Чорвачилик

Ш.Амиров ва бошқ. – Бушуев зоти – миллий бойлигимиз..... 6

А.Эсанов, М.Досмухаммедова – Турли генотипга мансуб сигирларнинг лактация хусусиятлари..... 8

З.Б.Сувонова – Ҳар хил фаоллик типигаги голштин зотли сигирларининг ривожланиш кўрсаткичлари..... 11

Т.К. Наврўзов – Тажрибадаги турли генотипли букачаларнинг экстерьер кўрсаткичлари..... 13

Р.Х.Даниёров – Голштин ва Бушуев зотли қорамолларни иссиқ иқлим омилларида чидамлилиқ хусусиятлари ..... 15

Ф.Сатторов, З.Нурбоев – Симменталь зотли сигирларнинг маҳсулдорлиги ва озукани сут билан қоплаш даражаси ..... 17

Б.Бойбулов ва бошқ. – Бушуев зотли қорамолларни бош сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш йўллари ..... 19

## Кўйчилик

М.Исмаилов ва бошқ. – Олмос рангбарангликдаги қорақўл кўчқорларини авлодларининг сифати бўйича баҳолаш ..... 21

С.Базаров ва бошқ. – Рангбаранглигининг ифодаланиши ҳар хил бўлган бухоро сур кўзиларда рангнинг яхши

ифодаланиш хусусиятлари ..... 23

Р.Рўзимуратов – Қорақўлчиликда урғочи тўқлилардан кўшимча қорақўл олиш ..... 25

А. Уримбетов – Турли этологик типдаги қорақалпоқ сур кўйлар авлодларида гул типлари ва типга хос гулларнинг

намоён бўлиши ..... 27

С. Базаров – Турли конституция типигаги сур ранг кўйларнинг генетик тавсифи ..... 29

А. Уримбетов – Турли этологик типдаги Қорақалпоқ сур кўйлар авлодларининг айрим ранг ва рангбаранглик кўрсаткичлари ..... 31

## Балиқчилик

Н.Адилова ва бошқ. – Ўзбекистон шароитида Вьетнам карпини интенсив усулда етиштириш ..... 33

## Ветеринария

Н. Рўзиқулов – Қорақўл совлиқларни диспансерлашда клиник ва лаборатор текшириш натижаларининг таҳлили ..... 35

Ш.Қурбонова, Ш.Гаппаров – Турли генотипдаги букачаларда қоннинг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларининг

йил мавсумлари бўйича ўзгариши..... 38

Э.Мухторов ва бошқ. – Ҳисори зотли кўйлар олдинги оёқ проксимал мускулларининг постнатал онтогенездаги морфометрик хусусиятлари ..... 41

## Пиллачилик

Ш.Р.Умаров, М.Хожирахматова – Ипакчиликда янги инновацион технологияларни жорий этиш бутунги куннинг

долзарб вазифаси..... 45

С.Валиев ва бошқ. – Тутзорларга эрта баҳорда агротехник ишлов бериш ..... 46

## Туячилик

С. Ешмуратова – Ҳар хил технологик шароитда туя сутини етиштириш ва қайта ишлаш сифат кўрсаткичлари ..... 48

## Йилқичилик

М.Каримов ва бошқ. – Отлар бармоғидаги жароҳатларни даволашда шифобахш гиёҳлардан фойдаланиш..... 50

**ОТЛАРНИ БАРМОҚ СОҲАСИ ЖАРОҲАТЛАРИНИ  
ДАВОЛАШДА ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

УДК:619:636.1:591.472:616

**Каримов Мамараджаб Гулямавич, доцент,**  
**Каримов Джафарали Мамараджабович, ассистент,**  
**Камолов Зокир Орипович, магистр,**  
**Тошмурадov Журабек Турсунмурадovич, магистр,**  
Самарқанд ветеринария медицинаси институти

**Аннотация.** В статье освещена часто встречающиеся механические травмы в области пальцев конечности спортивных лошадей. Изучено этиология, клинические признаки. При лечении применено фитопрепарат в виде сложной мази приготовленного из растительного мира как «Чистотель большой - *Chelidonium majus*». В данном статье представлены результаты исследования.

**Summary.** The article highlights the frequent mechanical injuries in the fingers of the limbs of sports horses. The etiology, clinical signs were studied. During the treatment, a phytopreparation in the form of a complex ointment prepared from the plant world as the "Big Celandine - *Chelidonium majus*" was used. This article presents the results of a research.

**Калит сўзлар:** от, бармоқ, шикастланиш, жароҳат, тўқима, шифобахш гиёҳ, таших, даволаш, олдини олиш.

**Кириш.** Спортга қатнашувчи отларда шикастланишлар тез-тез учраб туриши механик, физик, кимёвий, биологик ва психик омиллар таъсирига боғлиқ бўлиб тўқима ва органларнинг анатомик ёки функцияларини бузилиши билан характерланади. Отларни сақлаш ва парвариш қилишда зоогигеник ва эксплуатация қилиш талабларининг бузилиши, тренинг жараёнини нотўғри ташки қилиш, юқори кўрсаткичга эришиш мақсадида уларнинг биологик ҳолатларини ҳисобга олмаслик, отларга нисбатан нотўғри ва купол ҳаракатлар, эгарлаш ва тақалашда йўл қўйилган камчиликлар сабаб бўлади. Шу сабабли улардан от спорти ва ишчи кучи сифатида фойдаланишда жиддий қийинчиликларни юзага келтириб отчопар, от спорти клублари, йилқичиликка ихтисослашган фермер ва шахсий хўжаликларда катта иқтисодий зарар келтириб чиқаради.

Отларда умумий шикастланишларнинг асосий қисми бармоқ соҳаси юмшоқ ва қаттиқ тўқималарининг патологик ўзгаришларига сабаб бўлиб, ушбу соҳадаги жароҳатларда яллиғланиш жараёни интенсиб кечиб, қон, лимфа ва нерв томирларининг физиологик функцияси бузилиши натижасида гиперимия, оғриқ, ўтказувчанлигининг пасайиши, зардоб ёки фибринли экссудатнинг ажралиши билан характерланади. Пай ва пай қинлари шикастланишларида ажралаётган ёки тўпланиб қолган экссудат таркибидан, нобуд бўлган тўқима хужайраларининг мавжудлиги қон ва лимфа томирлар девори нерв рецепторларини қўзғатиб катта ёки кичик оғриқли шишнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади (1;3;4;5).

Отлар бармоғи соҳаси юмшоқ тўқималарида кузатиладиган жароҳатларнинг келиб чиқиши механик омиллар ва унинг таъсир кучига боғлиқ бўлиб, бармоқ бўғимларига таъсир қилувчи букувчи ва ёзувчи пайлар иш фаолиятига ҳам таъсир қилиб, асептик ва септик шаклда кечувчи яллиғланишларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолат кейинги оёқ бармоқларига нисбатан олдинги оёқ бармоқларида кўпроқ учрайди. Бармоқ соҳасида учрайдиган жароҳатли касалликлар ва уларнинг асоратлари отларнинг спорт ўйинларидан чиқиб кетиши ва айрим ҳолларда уларнинг чиқимида сабаб бўлади (2;5;7).

**Тадқиқот материали ва услуби:** Экспериментал тадқиқотлар Самарқанд вилояти "Orient Stfr Triel" МЧЖ фирмасига қарашли "Боғи балан" чорва хўжалиги, Самарқанд, Пастдарғом, Жомбой туманлари йилқичиликка ихтисослашган фермер ва шахсий хўжаликларга қарашли "Улоқ кўпкари" ўйинларга қатнашувчи 5-10 ёшдаги "Қорабайир" зотли отлар бармоқ атрофи юмшоқ тўқима шикастланишлари ва жароҳатлари билан касалланган 3 бошдан тажриба ва назорат гуруҳга ажратилган 6 бош отларда олиб борилди. Тажрибагача ва тажриба давомида анамнез маълумотлари йиғилиб, ҳар иккала гуруҳ отлари умумий ва махсус усуллардан фойдаланиб клиник белгилари, патологик ўчоқ морфологик ўзгаришлари ва оксаш турлари ўрганиб борилди. Клиник текширувларни тик турган ҳолатда, бир оёғини кўтариб ёки бурамалардан фойдаланиб амалга оширилди. Асаби тез отларни тинчлан-

тириш мақсадида буйинтуруқ венаси орқали 100 кг тирик вазнга 1 мл миқдорида “Rometar” дори воситаси қўлланилди.

Бармоқ соҳаси жароҳатланган ҳар иккала гуруҳдаги отлар кунига клиник кўриқдан ўтказилиб жароҳатнинг кечиш биологияси, битиш механизми ўрганиб борилди. Тажриба ва назорат гуруҳи отларининг патологик ўчоқ атрофи ифлосликлардан тозаланиб механик ишлов берилди ва 3%ли Водород пероксиди билан ювиб турилди. Тажрибанинг биринчи, учинчи, олтинчи ва тўққизинчи кунлари 2 мл 0,5 %ли новокаин + 4 мл 80 %ли гентамицин + 4 мл гидрокартизон аралашмаси юмшоқ тўқима оралиғи бир неча нуқтасига юборилиб турилди.

Назорат гуруҳи отларида оператив муолажалар қўлланилиб, бармоқ жароҳатларига тажрибанинг 3 – 6 – 9 Вишневский, 12 – 14 кунларда Левомикол малҳами билан боғлам қўйилди.

Тажриба гуруҳи отлари консерватив даволаниб тажрибанинг 3 – 6 – 9 -12 кунлари профессор Ў.Қ. Избосаров модификацияси бўйича шифобахш гиёҳ “Қалдирғоч ўти” (Қон чўпи)дан таёрланган 10%ли суртки дори воситаси 2 кунда бир марта 4 маротоба жароҳатга сўркалиб боғлам қўйилди.

**Олинган натижалар таҳлили:** юқорида кўрсатилган хўжаликларга қарашли отлар клиник кўриқдан ўтказилганда “Улоқ кўпкари” ўйинларига қатнашувчи ва ишчи отларнинг аксарият қисмида

механик шикастланишлар оқибатида умумий юқумсиз касалликларнинг 31,3 % ини жароҳат касалликлари ташкил қилиб, шундан 7,9 % бош соҳасига, 4,2 % буйин ва кўкрак соҳасига, 1,1 % қорин, 1, % сон, 6,3 % жинсий аъзо ва энг кўп 9,9 %и бармоқ соҳаси юмшоқ тўқима жароҳатларига тўғри келиши аниқланди. Бармоқ соҳасида юмшоқ тўқималар бутунлигининг бузилишига тасодифий механик таъсуротлар асосий сабабчи бўлиб уни олдиндан билиш ва олдини олиш бошқа турдаги шикастланишларга нисбатан анчагина қийиндир (2;6).

Тажриба ва назорат гуруҳидаги отлар тажрибагача ва тажриба давомида умумий клиник белгилари тана ҳарорати, юрак уриш сони ва нафас олиш сони отларни сақлаш жойида, дори воситаларини қўллагандан текшириб борилди (Жадвал 1).

Жароҳатни махсус усулларда текширишда улардаги оғриқли шокени ва ҳимоя рефлексини пасайтириш, ҳаракатини чегаралаш мақсадида буйинтуруқ вена қон томиридан 100 кг тирик вазнга 1 мл миқдорида “Rometar” дори воситаси юборилди. Жароҳат атрофида оғриқни юқотиш мақсадида 2%ли новокаин эритмасини Вишневский усулида қаватлар ора бир неча нуқтага юборилиб оғриқсизлантирилди ва даволаш муолажалари амалга оширилди.

1-назорат ва 2-тажриба гуруҳида умумий клиник белгилар қуйидагича бўлиши аниқланди.



1-расм. Бармоқнинг туёқ-юмалоқ суяк бўғимида йирингли жароҳат.



2-расм. Кафт-бармоқ соҳасида жароҳат.



3-расм. Бармоқ соҳасида йирингли дерматит.



4-расм. Туёқ тери асоси асептик яллиғланиши.



5-расм. Бармоқ соҳасида кесилган жароҳат.



6-расм. Оператив даволаш муолажалари.

Тажрибадаги ҳайвонларнинг клиник кўрсаткичлари.

Т/р	Тажриба кунлари	1 – назорат гуруҳи			2 – тажриба гуруҳи		
		Тана ҳарорати °С	Пульс 1 дақиқада	Нафас сони 1 дақиқада	Тана ҳарорати °С	Пульс 1 дақиқада	Нафас сони 1 дақиқада
1	Тажрибагача	39,4	46	17	39,5	47	18
2	Тажрибанинг 1 - куни	39,1	45	16	39,0	44	17
3	Тажрибанинг 3 - куни	38,9	43	15	38,7	42	14
4	Тажрибанинг 6 - куни	38,7	42	15	38,5	42	13
5	Тажрибанинг 9 - куни	38,5	41	14	38,3	40	13
6	Тажрибанинг 12 - куни	38,3	40	13	38,1	38	12

Жадвалдан кўришиб турибдики, назорат гуруҳи отларида тажрибагача умумий тана ҳарорати 39,4° даражани ташкил қилган бўлса, тажриба охирида 38,3° даражани, **1 дақиқадаги юрак уриш сони 46 тани**, тажриба охирида 40 тани, 1 дақиқадаги нафас олиш сони 17 тани, тажриба охирида 13 тани ташкил қилди. Иккинчи **тажриба гуруҳи отларида тажрибагача умумий тана ҳарорати 39,5°**; тажриба охирида 38,1° даража, 1 дақиқадаги юрак уриш сони 47 тани, тажриба охирида 38 тани, **нафас олиш сони 18 та**, тажриба охирида 12 тани ташкил қилди. Текширув натижаларини таҳлил қилганда шифобахш гиёҳ “Қалдирғоч ўти” (Қон чўпи)дан таёрланган 10%ли мураккаб суртки дори қўлланилган тажриба гуруҳидаги отларда бармоқ соҳаси жароҳатларида унинг битиши назорат гуруҳига нисбатан эрта амалга ошгани аниқланди.

**Хулоса:** йилқичиликка ихтисослашган ва шахсий фермер хўжаликлар шароитида, отчопар, от спорти клубларида отхона ва тренинг майдончаларининг носозлиги, “Улоқ кўпкари” ўйинлари вақтида йиқилиши, урилиши, бир бирининг оёқларини бошиши, тепиши, тишлаши, айрим сабабларга кўра хуркиши, бармоқ соҳаси юмшоқ тўқималар шикастланишларига сабаб бўлиб, жароҳатларни келтириб чиқаради.

Спортга қатнашувчи отларни турли стресс ҳолатларга мослаштириш ва рефлекслар ҳосил қилиш, психик характери, ёши, физиологик ва иш бажара олиш фаолиятини ҳисобга олиш, химоя во-

ситаларидан фойдаланиш, транспортировка вақтида уларнинг ҳафсизлигини таъминлаб мустақкам фиксация қилиш зарур.

Тажриба гуруҳидаги отлар бармоқ соҳасидаги жароҳатларга шифобахш гиёҳ “Қалдирғоч ўти” (Қон чўпи)дан таёрланган 10%ли суртки дори воситаси, назорат гуруҳига нисбатан иқтисодий самараси юқорилиги, жароҳатнинг битишини 3 кунга қискартиши, қимматбаҳо синтетик дори воситаларидан қолишмаслиги аниқланиб яхши натижалар олинди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бориевич В.Б. Специальная ветеринарная хирургия. Москва, 1993
2. Робинсон Е.Н. Болезни лошадей и совершенные методы лечения. Москва, Колос. 2007.
3. Жукова М.В., Савицкая М.В. Травма сухожильной - откуда что берётся. Ветеринарные врачи. Делегаты FEI, Члены Конского ветеринарного объединения. Санкт - Петербург. 2002
4. Humand X.G., Guter P.F. журнал “Cavallo” № 9. 2002.
5. Garra Draysen. Журнал “Cavallo” perev. Vardenberg № 12. 2002
6. Мария Дорош. Ревматическое воспаление копыта. Болезни лошадей. Санкт - Петербург 2009.
7. [www.gelacan.ru](http://www.gelacan.ru)